

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-105-117>

**Холиқов И.**

Низомий номидаги ТошДПУ тар.ф. док., профессор

[I.xolikov@mail.ru](mailto:I.xolikov@mail.ru)

**Бердиев Х.А.**

Ислом Каримов номидаги ТошДТУ тар. ф. н., доцент

[20berdiev20@gmail.com](mailto:20berdiev20@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

*Таълим билан тарбияни баробар олиб бориш, уйғунлаштириш ҳар доим ва ҳамма даврларда долзарб масала бўлиб келган. Яъни юқори илм эгаси бўла туриб, тарбия бўлмаса, ундан жамият наф кўрмайди, балки зарар ҳам кўриши мумкин. Тарбияли шахсда илм бўлмаса, у яратувчанлик ишларини амалга оширишга қодир бўлмайди. Таълим-тарбия – бу инсонларда ижобий ҳислатларни таркиб топишига хизмат қилувчи энг тараққийпарвар омил. Маълумки макон ва замонлар оша инсонлар ўртасида илмсизлик, билимсизлик ришталари ўрнига жоҳилиятни келтириб чиқарувчи салбий ҳолат сифатида қоралаб келинган.*

*Миллий ўзликни англашда ажодлар қолдирган мероси қадрли ва таъсирчан, изчил миллий дастурий намуна бўлиб келган, аммо ҳаётнинг шавқатсиз сиёсий таъсири натижасида, мафкуравий тазйиқ оқибатида таълим-тарбия узвийлигини маълум муддат ортга чекиниш ҳолатлари ҳам кузатилган. Миллий ривожланиш тизимида таълим-тарбиянинг ҳозирги ва ўтмишидаги ҳолатини ўрганишда улар ўртасида ўзаро сабабият, ўзаро боғлиқлик бор. Миллий мустақиллик, миллий ўзликни англаш тушунчасини ифодалашда, хусусан, тарбия узвийлиги таъминланишида – кучли илм, маърифий макон ва замоннинг ўрни илмий жиҳатдан асослашда эътибор қаратиладиган омиллар кўрсатиб ўтилган. Мақолада Янги Ўзбекистоннинг “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш юзасидан таълим-тарбиянинг мутаносиб ташиқил этиш вазифалари ва бажарилиши керак бўлган масалаларга эътибор қаратилган.*

**Калит сўзлар:** таълим, тарбия, тарихий даврлар, макон ва замон, билим, узвийлик, маърифат, мутаносиблик, уйғониш, концепция.

## АННОТАЦИЯ

*Уравнение образования и воспитания всегда было актуальным вопросом. То есть, если человек имеет высшее образование и не грамотный, обществу от этого пользы не будет, а может и пострадать. Если у образованного человека нет знаний, он не сможет осуществлять творческую работу. Воспитание является наиболее прогрессивным фактором формирования у людей положительных качеств. Осуждаются, что незнание науки является средством причинения зла как негативного состояния, вызывающего невежество.*

*Наследие, оставленное предками в понимании национального самосознания, представляло собой ценную и влиятельную, последовательную национальную программную модель, но в результате неослабевающего политического влияния жизни, идеологического давления произошли некоторые упадки в образовании. При изучении настоящего и прошлого состояния национальных ценностей наблюдается взаимная причинность, взаимообусловленность между ними. Факторы, которые необходимо учитывать при выражении концепции национальной независимости, национального самосознания, в частности, в обеспечении преемственности образования - сильной науки, роль просветительского пространства и времени в научном обосновании. В статье анализируются проблемы сбалансированной организации образования и вопросы, которые необходимо решить при реализации концепции Нового Узбекистана «Новый Узбекистан – просвещенное общество».*

**Ключевые слова:** образование, воспитание, исторические периоды, пространство и время, знание, принадлежность, просвещение, равновесие, Ренессанс, концепция.

## ABSTRACT

*The equation of education and upbringing has always been a topical issue. That is, if a person has a higher education and is not literate, society will not benefit from this, and may even suffer. If an educated person does not have knowledge, he will not be able to carry out creative work. Education is the most progressive factor in the formation of positive qualities in people. It is condemned that ignorance of science is a means of causing evil as a negative state that causes ignorance.*

*The legacy left by the ancestors in the understanding of national self-consciousness was a valuable and influential, consistent national program model, but as a result of the unrelenting political influence of life, ideological pressure, there were some declines in education. When studying the present and past state of national*

*values, mutual causality, interdependence between them is observed. Factors that must be taken into account when expressing the concept of national independence, national self-consciousness, in particular, in ensuring the continuity of education - a strong science, the role of educational space and time in scientific justification. The article analyzes the problems of a balanced organization of education and issues that need to be addressed in the implementation of the concept of New Uzbekistan "New Uzbekistan - an enlightened society".*

**Key words:** *education, upbringing, historical periods, space and time, knowledge, belonging, enlightenment, balance, Renaissance, concept.*

*Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам,  
мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган  
куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир.  
Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи,  
биринчи навбатда, таълим тизими ва  
фарзандларимизга бераётган  
тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ\*.*

**Ш.М.Мирзиёев**

## КИРИШ

Таълим-тарбия жараёнида инсонийликнинг турли қирралари ўргатиб келинганки, бунда таълим билан тарбия масалалари ўзига хос жуфтлик тарзида шакллансагина кучли ва фойдали бўлади. Таълим билан тарбияни баробар олиб бориш, уйғунлаштириш ҳар доим ва ҳамма даврларда долзарб масала бўлиб келган. Бу жараёнда ижтимоий соҳанинг асоси ҳисобланган таълим тизимидаги ўзгаришлар илм-фан, таълим ва тарбияга алоқадор муаммоларни аниқлаш, оммага етказишни бугунги давр талаб этмоқда. Миллий анъана ва кадриятларимизга ҳурмат мезони асосида, таълим-тарбия мутаносиблиги ўрганишда – илм, маърифий макон ва замоннинг ўрни ва аҳамиятини кўриб ўтиш ўринлидир. Таълим-тарбия мутаносиблигини макон ва замондан айро ҳолда тавсифлаш мумкин бўлмаганидек, бу жараёнда ўзига яраша ютуқлар билан бирга турли муаммолар, уларнинг ечими бўйича таклиф ва тавсиялар бериб ўтишни лозим топдик.

\* Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – Янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. [www.xs.uz](http://www.xs.uz). “Халқ сўзи” газетасидан, 1 октябрь 2020 й. №207(7709)

Илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш, уларнинг ютуқларини юқори кўшимча қийматга эга маҳсулотга айлантириш жараёнида интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоя қилиниши алоҳида аҳамият касб этади. Маълумотларга кўра, интеллектуал мулк улуши Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45, Хитойда 12, Россияда 7 фоизини ташкил этади. 2020 йилнинг 12 октябрь куни Президентимиз раислигида бўлиб ўтган йиғилиш ҳам «Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш – Учинчи уйғониш даври учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилади» мавзусига бағишланган эди.

Таълим-тарбия узвийлиги ва кўрсаткичларини юқorigа олиб чиқиш бўйича Ўзбекистонни 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингда дунёнинг 50 та етакчи давлатлари қаторига киритиш бўйича улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган стратегик режа белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”[1: – Б.223] деган жумлаларни ўқиш мумкин, бундан маълум бўлади-ки, мактаб фақатгина таълим берадиган маскан эмас, балки барча учун юксак маънавийат бешиги, ўқувчи ёшларни болаликдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айлансагина ўз мақсадига эришиши мумкин.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Инсоният тарихида билиш фаолияти илм фандан, воқеликни маънавий-амалий ўзлаштиришнинг ўзига хос усули сифатида пайдо бўлишидан анча илгари шаклланган. Илмий билишнинг табиатини талқин қилиш қанча хилма-хил бўлса, илмни билиш ҳам шунча хил бўлиши мумкин. Араб файласуфи Ал-Маккий ўз таснифида келтирган илмларнинг сони 125 тадан кўпроқ бўлиб, ҳажми жиҳатидан бугунги кунга келиб турли-туман ва таснифига кўра бир неча юзлаб турларга бўлиниб кетади.

Илмлар ва билим умуман борлиқ маҳсули сифатида субъектив хоҳишдан вужудга келмай, балки секин-аста ва муттасил равишда инсонларнинг уларга бўлган эҳтиёжи пайдо бўлиши натижасида вужудга келади. Илм - бир нарсанинг ҳақиқатини билиш, идрок қилишдир. Илм – ўқиш-ўрганиш ва тадқиқот, таҳлил этиш билан эришиладиган билим; кўникма, маълумот дегани. Билим араб тилидаги илм калимасининг таржимасидир. Илм ва билим тушунчасини биринчи маънодан фарқ қилиш учун иккинчисини “илм-фан” деб атасак иш ойдинлашади. Биринчи маънода илм (билим) шахс маънавийатининг

таркибий жиҳати ҳисобланади, иккинчи маънода маданиятнинг таркибий қисми сифатида маънавиятнинг моддий воқеликдаги излари шаклида ўзлигини намоён қилади[2:– Б.8].

Инсоннинг дунёга келиши билан дастлабки илм олишга ундовчи воситаси унга кўшиб берилган туйғулар бўлади. Мисол учун, чақалоқнинг биров ўргатмаса ҳам онасини эмиши, хавф яқинлашганда кўзини юмиши, қорни очганда йиғлаши ва ҳоказолар ана шундай илм олишлар жумласига киради. Бу илмий тилда туғма инстинкт дейилади. Лекин бу тоифадаги илм инсоннинг барча талабларини қондира олмайди. Улар фақатгина баъзи бир эҳтиёжларни қондириши мумкин, холос.

Инсон катта бўлганидан кейин, у ўзининг ҳис қилиш аъзолари орқали маълум бир нарсалар ҳақида илм ҳосил қилади. Ушбу ҳис қилиш аъзолари орқали идрок қилинган нарсаларни инсон илми ила ихота қилади, яъни кўрган, эшитган, ҳидлаган, татиган ва ушлаган нарсаларини таҳлил қилиб, ўрганиб, хусусиятларини ажратиб боради. Инсон мазкур ҳис қилиш аъзоларидан бошқа нарсалар билан бирор нарсани билиши қийин.

Табиий, техник ва аниқ фанларнинг дини, миллати бўлмайди. Ўзбекнинг физикаси, арабнинг кимёси, японнинг математикаси деган тушунчалар ўша халқ вакилларининг ушбу фан соҳасига кўшган ҳиссаси маъносида балки ишлатилиши мумкин, аммо қайси халқ вакили кашф этганлигидан қатъий назар, сувнинг химиявий таркиби, бирор ўсимликнинг ривожланиш қонуниятлари, геометрик шаклларнинг хоссалари ёки компьютернинг иш принциплари турли миллатлар учун турлича бўлмайди. Шу сабабли бу соҳаларда эришилган барча ютуқлар умумжаҳон илмига муайян хисса бўлиб қўшилиб бора беради.

Қадим замонларда барча табиий ва ижтимоий илмлар асосларини ўз ичига олган ягона - фалсафа илми бўлгани ҳолда табиийки, ҳеч қандай илмлар таснифи ҳақида гап бўлмаган. Антик даврда қадимги Юнон мутафаккирлари Демокрит, Афлотун ва айниқса Арасту асарларининг вужудга келиши, прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Ўрта Осиё тарихи бўйича энг қадимги ёзма манбаси бўлган “Авесто”да дастлабки тафаккур дурдоналари ўз аксини топган. Ислом динининг ёйилиши ва унинг муқаддас китоби Қуръони каримда умумбашарий асотирий тафаккурдан илмий тафаккурга ўтишнинг эътиқодий асослари мукамал тус олди. Ўрта Осиёдан доврўғи дунёга кетган улуғ олимлар етишиб чиқиши, маълум маънода таълим-тарбия тўғрисидаги илмий хазиналарни бойитишга хизмат қилди. Имом Бухорий, Имом Термизий,

Абу Ҳафс Насафий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий каби буюк олимлар ва мутафаккирларнинг яратган бой илмий мероси жаҳон маданияти ва таммадунига бебаҳо хазина бўлиб қўшилди.

Тарихдан маълумки, қадим туркий халқларда миллий мустақиллик, миллий бирликка путур етказилган. Натижада бу халқлар ҳаётида миллий ва руҳий тушкунлик, миллий қадриятлардан узоклашиш, миллий ғурур ўрнига маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик қадриятига эътибор кучайган. Маълумки макон ва замонлар оша инсонлар ўртасида илмсизлик, билимсизлик ришталари ўрнига жоҳилиятни келтириб чиқарувчи салбий ҳолат сифатида қоралаб келинган. Миллий ўзликни англашда аждодлар қолдирган мероси қадри ва таъсирчан, изчил миллий дастурий намуна бўлиб келган, аммо ҳаётнинг шавқатсиз сиёсий таъсири натижасида, мафкуравий тазйик оқибатида таълим-тарбия узвийлигини маълум муддат ортга чекиниш ҳолатлари ҳам кузатилган.

Бугунги кунда илм, маърифий макон, замон ва тарбия ҳақида долзарб муаммоларни «жаҳоншумул» миқёсда жавоб беришга беҳуда уринмасдан, яқин ўтмишдаги илм олиш, таълим-тарбия масалалари тарихий таҳлилидаги ютуқ ва муаммоларни инobatга олиб режа тузиб ва муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилсак ўринли бўларди.

## НАТИЖАЛАР

Маълумки, Ўрта Осиё тарихи бўйича энг қадимги ёзма манба зартуштийлик(оташпарастлик) динининг муқаддас китоби “Авесто” – муқаддас “маздаясна” динига асос бўлган бўлса, бугун биз унга йирик адабий ёдгорлик сифатида қараймиз. “Авесто” матнлари шаклланган, йиғилган ва қайта йиғилган даврлар асотир тафаккур даври деб аташ мумкин. Шу сабабли бу китобда баён этилган воқеа ва ҳодисотлар, даъватлар қадриятлар тизими сифатида илоҳийлаштирилиб кейинчалик бошқа юртларга тарқалиб, турли сиёсий, ғоявий таъсирлар остида кўп жойларида мушриклик ақидалари билан чалкашиб кетди.

Илмларнинг борган сари ривожланиши уларнинг таснифини тақозо қилди. Бу эса илмий билиш масалаларини ҳар томонлама ўрганишга катта замин яратди, яъни яратилган таълимотнинг негизида илмлар оддийдан мураккабга, умумийдаи яккага ўтиш тартибида жойлашган эди. Қадимги дунё башариятнинг борлиқ ҳақидаги тасаввурлари асосан асотир тафаккур доирасида кечган. Бу ҳодиса ушбу даврга оид илмий адабиётларда кўп

таъкидланган. Аслида бугунги кун одами учун асотир йўқ, фақат афсона бор. Асотирнинг афсонадан фарқи шундаки, ибтидоий одам ўз онгида шаклланган асотирни ҳақиқат деб қабул қилган, унинг қахрамонларини воқеий зотлар деб билган. Агар уларни ғайб оламига тааллуқли деб билса, уларга сиғиниб, ибодатхоналар қурган, улар шарафига қурбонликлар келтирган[3: – 544 б.]\*\*.

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони каримда инсон онги, таълим-тарбияси ва ҳаёти ҳақидаги чўпчаклардан асотир тафаккурдан илмий тафаккурга ўтишнинг эътиқодий асослари мукаммал тус олди. Хусусан, Аллоҳ таолонинг Қуръони каримда келган қўйидаги сўзлари илмнинг фазилатли эканига далилдир: “Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳиллари – адолат билан ҳукм қилувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг ўзи борлигига гувоҳлик бердилар” (Оли Имрон сураси, 18-оят)[5: сах. 39-41.].

Маълум бўлишича, Қуръонда “имон” сўзи, унинг ҳосилалари 811 марта келади. Шунингдек, “илм” сўзи 782 марта, “маърифат” сўзи 29 марта такрорланган. “Илм”, “маърифат” сўзларининг сонини қўшсак (782 + 29), 811 бўлади. Яъни, илм, маърифат қанча бўлса, имон шунчадир. Қадр сурасида 30 сўз бор. Қадр кечасини ўз ичига олган рамазон ойида ҳам 30 кун бор. Қадр кечаси рамазон ойининг 27-туни эканини кўпчилик эътироф этади. Шуниси ҳайратланарлики, мазкур сурада қадр кечасини кўрсатувчи “у” 27-сўздир. Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом Маккада ўсган, ўқиш-ёзишни ўрганмаган бир одам эдилар. У ерда илм-маърифат, мадраса ёки илмий муассаса деган нарса асло бўлмаган.

Бу эса Набий алайҳиссалом илмий масалалардан мутлақо беҳабар эдилар, деган хулосани келтириб чиқармаслиги керак. Лекин шунга қарамай, Қуръонда шундай илмий масалалар зикр қилинганки, уларнинг сирини ўша вақтда ҳам, ундан кейинги вақтларда ҳам ҳеч ким билмаган. Фақат илм-фан ниҳоятда тараққий этган бизнинг давримизга келиб, у нарсалар аён бўлди.

Илм олиш фазилати ҳақида Қуръони каримнинг Тавба сураси 122-оятда шундай марҳамат қилинади: **«Мўминлар ёппасига (жангга) чиқишлари шарт эмас. Уларнинг ҳар бир гуруҳидан бир тоифа чиқмайдими?! (Қолганлари Пайғамбардан) динни ўрганиб, қавмлари уларга (жангдан)**

\*\* Қуръони каримда "асотири аввалин" (қадимги афсоналар) бирикмаси 9 ўринда учрайди (6:25, 8:31, 16:24, 23:83, 25:5, 27:68, 46:17,68:15,83:13). Бу мавзуга оид қарашлар 2016 йилда "Шарқ халқлари адабиёти тарихи" туркумида нашр этилган "Қадимги Шарқ адабиёти" китобида батафсил баён қилинган (с. 16-23) ва шумер асотирлари (с.70-128), Бобил-Ашшур (с.133-140), қадим яҳудий (144-149) ва эроний тиллардаги адабиётлар (с. 150-172), қадимги Ҳиндистон (с.173-214) ва Хитой адабиётлари (с. 235-278) мисолида кенг мисолида кенг таҳлил остига олинган бўлиб, биз бу ўринда қисқа хулосалар бериб ўтдик.

**қайтиб келгач, (гуноҳдан) сақланишлари учун уларни огоҳлантирмайдиларми?!»**

Бу оятдан кўзланган мақсад таълим бериш ва тўғри йўл кўрсатишдир.

Аллоҳ таоло айтади:

“Эсланг (Эй Муҳаммад!) Аллоҳ аҳли китоблардан, уни (Таврот ва Инжилни) одамларга, албатта, аниқ баён қиласиз, уни (ҳеч кимдан) сир тутмайсиз деб аҳд олган эди” (Оли Имрон, 187). Бу оят таълим беришнинг вожиблигига далолатдир.

Инсон қобилиятини билим ва тажриба билангина оширади. Билим озуқади. Ақл ва қалб у билан озиқланади. Инсоннинг қадри илм билан юксалади. Тарбия – бу жуда катта илм. Тарбия илмини эгаллаган инсон ахлоқан гўзал бўлади. Буюк бобоколонимиз Алишер Навоийнинг:

*Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,*

*Лек шараф келди ҳаёву адаб.*

яъни, инсонга насл-насаби ва бойлиги эмас, ҳаё ва одоби шон-шараф келтиради, деган ҳикматли сўзлари жуда ҳам ибратлидир.

Муқаддас ислом динида баён қилинган фикрлар, ҳадису, панд-насихатлар борасида етарлича билимга эга бўлишларига имконият яратишга қаратилган. Таълим-тарбия – бу инсонларда ижобий хислатларни таркиб топишига хизмат қилувчи энг тараққийпарвар омил. Шунга кўра меҳнатсеварлик ва муттасил ишлаш каби фазилатлар фақат тарбия натижасида орттириладиган фазилатлардир. Хитой донишманди Сюн-Цзи “Чақалоқлар ҳамма ерда бир хил йиғлашади. Катта бўлганларида эса турли қилиқлар қилишади. Бу – тарбиянинг оқибати”, деб ёзган эди. Олмон файласуфи Иммануил Кант ўз асарида “Инсон фақат тарбия орқали инсон бўлади, унинг қандайлиги тарбиянинг натижасидир”, деган фикрни билдиради.

Илмнинг улуғлиги шу даражадаки, кимда ким илм талаб қилиш йўлида юрса у жаннат йўлида юрган деб эътибор қилинади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бир куни ёнларидаги Ҳилол исмли кишидан: «Қаламинг борми?» – деб сўрадилар. Йўқ жавобини эшитгач: «Қаламсиз юрма, эй Ҳилол. Чунки, эзгулик ундадир. Қиёматгача унга содиқ бўлганлар чиқади. Инсонлар қалам ила юксалдилар. Олим кўлидаги қаламнинг сиёҳи шаҳиднинг қони билан тенгдир». Яна Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ифодаларига кўра, илм эгалари ўликлар орасида юрган тириклар билан тенгдир. Зубайр Кудузалип: «Билимли инсон қуёшга ўхшайди, кирган жойини ёритади», дейди. Ҳа, илм қоронғуликларни ёритувчи машъаладир. Қоронғуликда қолган



хар бир киши унга муҳтож. Юксак поғоналарга илм нарвони билан чиқилади. Тараққий этишни ва камолот топишни истасангиз илмнинг этагини маҳкам ушланг.

Ҳазрати Али илм хусусида: «Илм пастда турганларни юқори даражага кўтаради. Билимсизлик эса тепада турганларни пастга туширади. Илм мол-давлатдан устундир, чунки бойликни сен асрайсан. Илм эса сени асрайди», деганлар. Улуғ саҳобалар, атоқли олимлар ва мутафаккирларнинг ҳам илм фазилати ҳақидаги кўплаб ривоятлари, хабар ва сўзлари келган. Қуйида шулардан айримларини келтириб ўтмоқчимиз.

Муоз ибн Жабал (р.а.) нинг мана бу сўзлари илмнинг фазилатига энг яхши далиллардан бири: “Илм танҳоликда ҳамроҳ, хилватда дўст, тўғри йўл кўрсатувчи маёқ, хурсандчилиг-у ҳафагарчиликда улфат, дўстлар олдида вазир, бегоналар олдида яқин дўст, жаннат йўлининг минорасидир”.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси [2: – б. 458] халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига жавоб бера оладиган объектив зарурат таълим-тарбия ривожининг мутаносиблигини таъминлашга қаратилган дастурул-амалдир.

Ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифага айлантириш масаласини 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги” Қонунда ҳам акс этган. Юртимизни янги тараққиётга олиб чиқишда, барча куч-ғайратни бирлаштириш ва фидокорона меҳнат қилиш орқали Янги Ўзбекистонни – Учинчи Ренессансни бунёд этиш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистон стратегияси китобида шундай сатрлар бор: “Мактабгача таълим ва мактаб таълим, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни Учинчи Ренессансинг **тўрт узвий халқасига**, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлийларимизни эса Янги Уйғониш даврининг **тўрт таянч устунига айлантиришдан иборат**” [2: – Б. 56].

**Биринчидан**, ҳозирги давр ўзига хос туб янгиланишлар даврини ҳисобга олиш, жумладан, муттасил олдинга интилиш, ҳаётни ва тафаккурни ислоҳ қилиш, янгиланиш томон собитқадамлик билан боришимиз заруратини келтириб чиқарди.

**Иккинчидан**, маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳатлар самарадорлигини ошириш учун, Президентимиз илгари сураётган Учинчи Ренессанс

пойдеворини яратиш учун барча ватандошларимизни дунёнинг хилма-хил ғоялари орасидан ўзбек менталитетига ҳар томонлама мос келадиган мақсад ва муддаоларни назарда тутувчи оммабоп назарий умумтарбиявий аҳамиятга эга назарияни ишлаб чиқиш зарурати.

**Учинчидан,** тинч ва фаровон ҳаёт кечираётган мамлакатимиз фуқаролари учун ўз-ўзини англашига хизмат қилувчи, ёрдамлашувчи миллий ва умумбашарий эътиқодни тарғиб қилувчи, ибтидосидан то интиҳосигача фалсафий мазмунга бой таълимотга эга бўлиш истагини ҳисобга олиш лозим. Бу ишларни амалиётга татбиқ этишда диний муносабатларни, хусусан, **ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этиши керак, деган ғояга мувофиқ** буюк ҳадисшунос ва ислом оламига машҳур бўлган Имом Бухорий томонидан айтилган “Барча амаллар ниятга қараб бўлади” сўзларига доимий амал қилиш эҳтиёжини кучайтиришни талаб этмоқда.

**Тўртинчидан,** минг йиллардан бери маънавий меросимизда амалиётда доимо ўз исботини топиб келадиган халқ мақоллари, муқаддас ислом динини тарғиб қилувчи ҳадису-шарифларда улуғланиб келинаётган энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм эканлигини мазмун-моҳиятига чуқурроқ кириб боришни талаб этади. Шу ўринда миллий кадриятларимизнинг сўнмас ва абадий энг буюк мероси – бу яхши тарбия эканлигига эътибор қаратиш.

**Бешинчидан,** тарбиясизлик қашшоқлик келтириб чиқарувчи омил эканлиги, билимсизликнинг кўриниши ўзбек халқи миллати ва кадриятлари мутлақа зид келувчи ахлоқсизлик феномени бўладиганлигини мисол ва масалалар орқали тушунтиришни муҳим муаммо сифатида олиб чиқмоқда. Билимли бўлишда аввало, китобни севиш ва уни ўқиш, замонавий илмларни эгаллашда ғайрат қилиш, фурсатни йўқотмай ҳаракатни муттасил ва тизимли ташкил этишни талаб қилмоқда.

## МУНОЗАРА БЎЛИМИ

Янги Ўзбекистонда таълим-тарбия муносаблиги ижтимоий моҳияти масалаларни ҳал этишда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

– фуқаролик масъулияти ва замонавий дунёқарашга эга бўлган баркамол авлод тарбиясига эътибор қаратиш;

– “Учинчи Ренессанс пойдеворни яратиш” ғояси тасодифий эмас, балки туб тарихий қиёфамизни дунёга тараннум қилувчи омил эканлиги асослаб беришни хизмат қилади.

Шу билан бирга, таълим-тарбия узвийлиги таъминланишида – илм, маърифий макон ва замоннинг ўрни ва аҳамиятини кўриб чиқишда унинг ўзagini ташкил қилувчи тарихий-маънавий омилларга санаб ўтиш ўринли ва улар қуйидагилардан иборат:

- а) халқимизнинг улкан маданий мероси,
- б) интеллектуал салоҳияти,
- в) азалий буюк алломалар ва тарихий шахслар бўлган олиму-фузалолар яшаган юрти бўлганлиги.

Бизнинг Турон замини Биринчи ва Иккинчи Ренесанс бешиги бўлганлиги ортиқча тавсифлашга зарурат йўқ. Бу ишончни янада мустаҳкамлашда илм, маърифий макон ва замон, унда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва сиёсий соҳалардаги ўзгаришларни англаб етишда қуйидаги мезонларга амал қилиниши керак:

**Биринчидан**, иқтисодиёт – жамият ҳаётининг танаси эканлигини теран англашда Ўзбекистон иқтисодиётини ташкил этган барча соҳаларида кенг қўлланилаётган “Ақлли иқтисодиёт”, “Инновацион иқтисодиёт”, “Яшил иқтисодиёт” медиамакони ҳақида тушунчаларини тўғри талқини бўйича халқаро тажрибаларга мос келувчи изланишлар ва уларнинг самарадорлиги бўйича маълумотлардан доимо хабардор қилиш.

**Иккинчидан**, маънавий уйғоқликка чорловчи Бурҳониддин Марғинонийнинг “**Ҳидоя**” **асари**; Маҳмуд Уструшонийнинг (XIII аср) “**Жомий аҳком ас-сағар**” (**Бола ҳуқуқлари Кодекси**) ва ҳозирги замон инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш соҳаси бўйича фактлар келтирилади.

**Учинчидан**, илм, маърифий макон ва замон мавзусини ёритишда қонун ва адолат – устиворлиги бўйича Амир Темур бобомизнинг Оксарой пештоқига ёздирган “Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдор шоиридир” сўзларига амал қилган ҳолда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклиф ва тавсиясига кўра таълим-тарбия инсон шахсини таркиб топтириш юзасидан режалаштириладиган улкан ишнинг бир қисми эканлигини англатиш керак. Юқоридаги талабларга мувофиқ тарбияни жамиятнинг мақсади ҳамда вазифаларидан келиб чиқиб ташкил этиш лозим.

**Тўртинчидан**, Президентимизнинг “**Илми қадрланг, илмга интилинг**” деган сўзлари, жумласига мувофиқ “Ёшлар сиймосида энг қимматли ва ўта муҳим ресурслар мужассам бўлиб, унга ҳар қанча инвестиция киритса арзийди, чунки бу сармоялар бир неча баробар зиёда бўлиб қайтади”; “Янги Ўзбекистон

– маърифатли жамият” концепцияси; дунёни эзгулик, меҳр-шавқат, инсонийлик кутқаради; **“Тарбияда танаффус бўлмайди”** каби сўзларида мужассам бўлган қизиқарли саволларга жавоб бўладиган маълумотлар етказиши бўйича мулоҳаза ва амалий натижалар бўйича маълумотлар базалари ҳавола қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

**Бешинчидан**, ҳозирги замон талабларига мувофиқ илм, маърифий макон ва замон уйғунлиги эътирофида Ўзбекистон ва жаҳон умумбашарий муаммолар масалаларига алоҳида урғу бериш лозим.

Хусусан, юртимиздаги энг муҳим тарбия ўчоғи бўлган маҳалла тизими, ОАВ, рақамли иқтисодиёт (мобил ва симли Интернет тармоғи), “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси, роботатехника ва IT парклар, соғлом турмуш тарзи, “Таълим ва тарбия бешикдан бошланади”, “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” [2: – Б. 223], мактаб фақатгина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юксак маънавият бешигига, фарзандларимизни болалиқдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши бўйича муҳим маълумотлар янгилаб бориш талаб этилади.

Жаҳон миқёсида муракаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда **“Инсон қадри учун” тамойили** асосида фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохатларнинг устивор йўналишларини белгилаш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонида кўра 2022-2026 йилларга мўжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси умуммиллий дастури қабул қилинди. Дастурда 7 та йўналишни ўз ичига олган 100 та мақсад белгилаб олинди. Ушбу йўналишдан 5-чи маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш йўналишида “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясига асосий эътибор қаратилган:

**“Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият”** концепциясини амалга ошириш; миллий қадриятларни янада ривожлантириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини ошириш, маданият ва санъатни юксалтириш; муқаддас ислом динининг инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, “жаҳолатга қарши – маърифат” тамойили асосида униб-ўсиб келаётган ёшларни соғлом эътиқод руҳида тарбиялаш; турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликни янада мустаҳкамлаш; давлат сиёсатида барча миллат ва элат

вакилларининг миллий ўзлигини, она тили ва маданиятини, дини, урфодат ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга устувор аҳамият бериш.

## ХУЛОСА

Ҳаммага маълумки, бизнинг тафаккуримиздан таълим ва тарбия ажралмасдир, деган ғоя чуқур жой олган. Таълим ислохотларида шакл ва воситаларга эмас, сифатнинг туб марказида ётувчи мазмун ва моҳиятга кўпроқ эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар биримиз фақат ўзимизнинг фикримиз тўғри деб туриб оладиган бўлсак фақат шунга амал қилишимиз керак, деб туриб олсак ҳам илм-фан, тарбия ва маърифий дунёда макон ва замонда ўз ўрнимизни топа олмаймиз ва ривожлантира олмаймиз. Чунки биринчисида биз тажрибасизлик қилишимиз ва натижада хатога йўл қўйиб йўлдан адашишимиз мумкин бўлади. Иккинчисида эса аждодлардан томонидан бизгача етиб келган ғоя, илм, маънавият ҳозирги замон шахсига мос келмаслиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Сўнги сўз ўрнида шуни айтиш керакки, таълим ва тарбия қушнинг икки қаноти сингари бўлиб, ҳозирги макон ва замонда унинг бир қанотини синдириб, юксак парвозга эришиб бўлмайди. Барчасини узвий алоқадорликда мутаносибликда ташкил этсагина мурод мақсадга эришамиз.

## REFERENCES

1. www.xs.uz. «Халқ сўзи» газетасидан, 1 октябрь 2020 й. №207(7709).
2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: «O‘zbekiston» нашриёти, 2020. – б. 458.
3. Муҳаммаджон Имомназаров. Маънавиятнинг илмий асослари. Тошкент, 2008. – б.154.
4. Қуръони Карим(Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур) – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 544 б.
5. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумиддин (Дин илмларини жонлантириш). 1-китоб. Илм китоби. Тошкент., «Мовароуннаҳр». 2003 йил., саҳ. 39-41.